



БОБУР ВА МУМТОЗ ДОСТОННАВИСЛИК

Гулсанам Қосимова,

ФарДУ чет тиллари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз даври эпик достонларига муносабати, дунёқараш ва ижодий позицияси масалалари хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Адабий муҳит, ижтимоий-сиёсий вазият, дунёқараш, танқидий назар, ижодий жараён.

XV асрнинг иккинчи ярми адабий муҳити ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлишимиз, шу давр ижодий маҳсули бўлмиш айрим асарлар мазмун-моҳиятини тўғри англашимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси муҳим аҳамиятга эга. Чунки “Бобурнома” муаллифи ўз даври адабий муҳити, ижодий жараён ҳақида ҳолис ва одилонга баҳо бериши эътиборга лойиқ. У ҳатто улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодий меросига ҳам танқидий ёндашиб, ўз нуқтаи назарини билдира олган. “Навоийнинг ўзи ҳам Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавийдек улуғ зотларни устод сифатида тан олгани ҳолда, уларнинг асарлари ҳақида танқидий фикрлар айтишни ғайри ахлоқий ҳол деб ҳисобламаган эди”¹.

Бадий асар яратилиши, муаллифнинг ғоявий-бадий позициясигина эмас, балки унинг китобхон томонидан қай йўсинда қабул қилиниши ҳам дунёқараш, муносабат, савия билан боғлиқлигини “Бобурнома”даги айрим лавҳаларда кузатишимиз мумкин. Масалан, Бобурнинг Муҳаммад Солиҳ шахсияти ва ижодий фаолиятига берган баҳоси адабиётшунослар томонидан таҳлил этиб берилган. Аммо текширувчилар бу баҳони икки муҳолиф томон қарашлари сифатида талқин этадилар. Биз қуйида Бобур таърифи акс этган ўша лавҳани келтирамиз: “Яна Муҳаммад Солиҳ эди. Чошнилик ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиғи чошнисича йўқтур. Туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур. Шайбонийхоннинг отига бир туркий маснавий (достон) айтибтур. Бисёр сушт ва фурудтур, ани ўқуғон киши Муҳаммад Солиҳ шеъридан безътикод бўлур...”².

Тадқиқотчиларнинг икки ашаддий ғанимнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ қарашларини рад этмаган ҳолда, шуни ҳам айтиш керакки, Бобурнинг бундай хулосага келиши унинг дунёқарашини, адабий жараёнга, муҳитга муносабати, қолаверса, ижодий тамойили билан ҳам боғлиқдир. Чунки Бобур сал юқорида анъанавий “Искандарнома” ўрнига “Темурнома” битган Ҳотифий ижодига ҳеч қандай муносабат билдирмайди. Ҳотифий достонининг фақат “латофати шуҳратича йўқ”лигини айтиб ўтади, холос. Агарда шахсий ғараз Бобурнинг кенг, холис дунёқарашидан устун турганида эди, у ўз бобокалони Амир Темурни Искандардан ҳам юқори кўтариб достон ёзган Ҳотифийни таҳсинга кўмган бўлур эди.

Муҳаммад Солиҳ бевосита Шайбонийхон хизматида бўлиб, кўрган-кечирганларини бадий асарда реалистик тасвирлаши, бошқача айтганда, ўз даври адабий анъаналари

¹ Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т.: “Фан”. 1996, 113-б.

² “Бобурнома”. Тошкент. “Юлдузча” нашриёти. 1989, 165-б.

қобиғидан чиқиб кетишини “Бобурнома” муаллифи ҳазм қилолмаган кўринади. Бобурнинг ўзи “Бобурнома” асарида қанчалар реалист бўлмасин, аксарият лирик асарларида бундай ижодий принципни қўлламаган, анъанавий романтик ифодадан узоқлаша олмаган эди. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Солиҳнинг шеърий асарда реалистик принциплар асосида иш кўрганлиги, руҳий олам талқинларидан кўра воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний тасвирлаш тамойилида бўлганлиги унинг замондоши бўлган Бобурга, эҳтимол, унча маъқул келмаган.

Бобур яна бир замондоши бўлмиш мавлоно Ҳилолийга, аксинча, ўз даври тасвир анъаналаридан чекинганлиги учун эътироз билдиради. “Бир маснавийси бор, - деб ёзади “Бобурнома” муаллифи, - ҳафиф баҳрида, “Шоҳ ва Дарвеш”қа мавсум. Агарчи баъзи байтлари тавре воқеъ бўлубтур, вале бу маснавийнинг мазмун ва устихонбандлиги (сюжети) бисёр ковок (бўш) ва харобтур”³. Шундан сўнг Бобур ўз баҳосини қуйидагича изоҳлайди: Шуаройи мотақаддам (аввал ўтган шоирлар) ишқ ва ошиқликни ўз маснавийларида эрга ва маъшукликни хотунга нисбат қилибтурлар. Ҳилолий Дарвишни ошиқ қилибтур, Шоҳни маъшук. Абётеким, шоҳнинг афъол ва акволида дебтур, ҳосилким, шоҳни жалбий ва фоҳиша қилибтур. Ўз маснавийсининг маслаҳатиға бир йигитни ва яна шоҳ йигитини бисёр бесураттурким, ...фоҳишалардек таъриф қилғай...”

Агарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳисор ҳукмдори Хисравшоҳнинг феъл-атворидаги нуқсонларни “асли-насли тоза эмас”лигидан дея ҳисоблашидан, Ҳусайн Бойқарони “каримуттгарафайн” – ҳам ота, ҳам она томондан шоҳ авлоди дея эҳтиром кўрсатишидан, Бадиуззамонни собиқ ғунчачи-канизак Хадичабегимнинг фарзанди Музаффар мирзодан ортиқроқ кўришидан ҳам маълум бўладики, Ҳилолийнинг “шоҳ йигит”ни “бесурат” таъриф қилиши унинг дунёқараши ва тушунчасига мос келмаган, тўғрироғи, бирмунча нафсониятига теккан.

Бобурнинг Ҳилолий асарига юқори баҳо бермаслигига дунёқараш билан бирга ижодий услуб масаласи ҳам алоқадор. Ҳилолий ўз даври учун хос ва мос бўлган услубий хусусиятлардан ҳам бирмунча чекинган. Гарчи “Шоҳ ва Дарвеш” ишқий-романтик асар бўлса-да, бироқ у ўзининг тасвир тарзи билан бошқа шу типдаги дostonлардан тафовутланади. Гап шундаки, Ҳилолий анъанавий бадий санъатлардан ҳаддан зиёд баландпарвоз тасвирлар, хаёлий гўзалликлар яратиш учун фойдаланган. Бироқ Шоҳ образини васф этганда уни самовий фаришталардек эмас, балки реал инсон сифатида кўрсатади. Шу билан бирга, Шоҳ ўз ошиғи Гадо учунгина гўзалдир. Муаллиф Шоҳни ҳар қадамда таъриф-тавсиф қилмасдан, унга дастлабки боблардагина айрим ўринлар ажратган.Ошиқ Гадода эса гўзаллик ва нафосат сифатлари деярли йўқ. Чунки Шоҳ ва Гадонинг ишқи ташқи гўзалликка эмас, балки маънавий юксаклик, руҳий поклик, қолаверса, ишқи илоҳийга асосланган. Ҳилолий шу тариқа ўз даври анъаналаридан анчагина олға кетган. Ўша давр фарзанди бўлмиш Бобур ҳазратлари эса бу янгиликни ижобий қабул қила олмаган.

Демак, шоирнинг дунёқараши, ғоявий мақсади асар характериға, тасвир воситаларига, фалсафий-эстетик жиҳатларға таъсир кўрсатганидек, асарни қандай қабул қилиш, баҳо бериш муайян давр билан боғлиқ равишда китобхон савияси ва нуқтаи назарига ҳам боғлиқдир.

Темурийлар ҳақидаги бир неча манбаларни кўздан кечириб, шундай хулосага келдикки, тарихий шахслар ҳақида сўз борганда, уларнинг ижтимоий-сиёсий воқеликдаги нуфузлари, мавқеси ҳамда хатти-ҳаракатлари, турмуш ва яшаш тарзлари бадий асарлардаги ифодасидан фарқ қилиши мумкин. Аммо “Бобурнома” муаллифи ушбу асар муқаддимасида ҳаётда рўй бераётган воқеаларни қандай бўлса шундайлигича қоғозга туширишга аҳд

³ “Бобурнома”. Тошкент. “Юлдузча” нашриёти. 1989, 163-б.

қилади ва асар охиригача ана шу аҳдига содиқ қолади. Унинг бундай позицияси ва нуқтаи назари ўз даврида яратилган бадиий адабиёт намуналари, хусусан, эпик дostonларга баҳо беришда ҳам яққол кўзга ташланади.

Адабиётлар

1. “Бобурнома”. Тошкент. “Юлдузча” нашриёти. 1989.
2. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т.: “Фан”. 1996
3. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т. 2005.
4. Kosimova, G. (2023). Important aspects of learning foreign languages. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 12(6), 64-66.
5. Kosimova, G. (2020, June). The Power of the True Word. In *Archive of Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 27-29).
6. Kasimova, G. (2022). Teaching Methods for Teaching English and Implementing The Knowledge Of Critical Thinking Of Students. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(06), 27-33.
7. Qosimova, G., & Jorayev, H. An International Multidisciplinary Research Journal. *An International Multidisciplinary Research Journal*, 69.
8. Kosimova, G. (2023). Student-centered approach in English language teaching.
9. Kosimova, G. (2023). THE CHOICE OF TEACHING METHODS. *Oriental Journal of Philology*, 3(02), 23-29.
10. Kosimova, G. (2023). The Essence of Interactive Learning Technologies in Teaching English as a Foreign Language. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 4(4), 126-129.
11. Қосимова, Г. Н. (2020). COVERAGE OF FAMILY AND WOMEN’S THEMES IN THE “BOBURNOMA”. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(1), 182-186.
12. Негматжоновна, Қ. Г. (2023). “БОБУРНОМА” АСАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ. *PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS*, 2(22), 144-148.
13. Gulsanam, K. (2023). THE PERSONALITIES AND CHARACTERS OF WOMEN IN “BOBURNOMA”. *PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS*, 2(22), 149-153.
14. Kosimova, G. (2023). The importance of innovation and moral culture in civil society. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 12(6), 59-63.
15. Абдилоев, Ш. О. (2023). АЙРИМ УЙ ҲАЙВОНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛИ ХАЛҚЛАРДА МАЪНО ИФОДАЛАНИШИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(5), 122-128.
16. Абдилоев, Ш. О. (2023). ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР—ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ ИНЪИКОСИ. *PEDAGOGIK ISLOHOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI*, 1(2), 157-159.
17. Абдилоев, Ш. О. (2023). ЎЗБЕК, РУС, ТОЖИК ВА НЕМИС ТИЛЛАРИДАГИ ЗООНИМ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ. *IQRO JURNALI*, 3(1), 156-159.

18. Abdullayev, S. (2022). ACHIEVING THE RICHNESS OF ORAL AND WRITTEN SPEECH WHEN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(06), 34-39.
19. Абдилоев, Ш. О. (2021). ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Евразийский журнал академических исследований*, 1(9), 306-309.
20. Sotvaldieva, H. M. (2018). Sintaksicheskaya struktura anglijskih poslovic. *Molodoj uchenyj*, 44, 230.
21. Sotvaldieva, H. M., & Masharipova, A. T. Expressive Means in Proverbs. *UIF-2022*, 8.
22. Musinova, S. K. (2022). Paremiological Units in Uzbek, English and Russian Languages. *International Journal of Formal Education*, 1(11), 1-5.
23. Мамасолиев, Р. А. (2023). МУАЛЛИМ КОНЦЕПТИНИНГ АХАМИЯТИ ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИКЖИХАТЛАРИ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(18), 994-997.
24. Adhamjonovich, M. R. (2023). Linguistic Analysis of the Etymology of the Author Concept. *International Journal of Formal Education*, 2(4), 10-13.
25. Rustamjon, M. (2023). TA'LIM JARAYONIDA PEDAGOGIK TEXNIKA VA NUTQ TEXNIKASINING AHAMİYATI. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 2(15), 155-162.